

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Асқарова Муҳаббат Иброхимовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” илмий тадқиқот маркази
илмий ходими

muxabbat.asqarova@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар, улар томонидан миқдорларга таъриф қилинаётган янги хизмат турлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли банк, тижорат банклари, корпоратив трансформация, рақамли технология, масофавий банк хизматлари, тўлов тизимлари.

Бутун дунёни қамраб олаётган глобал ахборот-коммуникация тармоқларига асосланган ягона иқтисодий механизмга айланган рақамли иқтисодиёт банкларнинг фаолиятига сезиларли таъсир этмоқда. Тўртинчи sanoat инқилобининг натижаси бўлган рақамли иқтисодиёт миллий рақобатбардошлик ва хавфсизликни таъминлайди, инсон капиталини ривожлантириш учун ноёб имкониятлар яратиш билан бирга, инновациялар ва ижодий соҳаларни рағбатлантиради. Бундан ташқари тижорат банкларида янги рақамли технологияларни қўллаш ва ривожланиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2018 йил 30 июндаги 22/5-сонли қарорининг биринчи бандида Ўзбекистон қонунчилигига илк марта рақамли банк тушунчаси киритилди⁹.

«Рақамли банк¹⁰ - инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартибларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;»¹¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси¹²да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларини корпоратив трансформация қилиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида асосий вазифалар белгилаб олинган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш;
- автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

¹⁰ Биринчи марта "рақамли банк" ёки необанк атамаси 2014 йилда АҚШда нашр этилган Крис Скиннернинг "Рақамли банк" китобида батафсил тавсифланган. (<https://psm7.com/mobilnye-banki/luchshie-cifrovye-banki-v-evrope-rejting-2022.html>)

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сонли фармони 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>

- банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий этиш (финтех, рақамли банк).

Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясининг 71-бандида барча хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли трансформацияни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган¹³. Буларнинг барчасини амалга оширишдан кўзланган мақсад рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида аҳолининг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда банк тизимида трансформациялаш, тижорат банкларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва банк тизимида давлат улушини камайитиришга алоҳида эътибор қаратилиб, банклар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ҳамда хусусийлаштириладиган банкларга ажратилмоқда.

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартиришлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди¹⁴. Ўзгартиришларга мувофиқ, энди Ўзбекистонда рақамли банк фаолиятини ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. “Anor Bank” мамлакатдаги биринчи рақамли банк сифатида тарихга кирди¹⁵. Бундан ташқари «Bank Apelsin», ТВС банк¹⁶ лар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган рақамли банк ҳисобланади.

¹³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони. 07.02.2017 й. <https://lex.uz/>.

¹⁴ <https://www.gazeta.uz/uz/2018/08/02/raqamli-bank/>

¹⁵ <https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-ilk-rak-amli-bank-ruykhata-dan-utkazildi-24934>

¹⁶ <https://daryo.uz/k/2022/08/15/tbc-bank-o%25ca%25bbzbekistonda-raqamli-texnologiyalarga-o%25ca%25bbtish-davri/>

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурини амалга ошириш, бу борада банкларнинг капитал, ресурс баъзаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор бериш, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, ҳамда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш каби кескин чоралар кўриш вазифаси белгиланган. Чунки, Президент Ш.М.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.¹⁷

Ахборот технологиялари ва электрон савдо ривожлангани сари кўпчилик одамлар пул ўтказмалари билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш мақсадида блокчейнлардан фойдаланишмоқда. Блокчейн — бу бир-бири билан интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида сақланувчи тақсимланган маълумотлар базаси ҳисобланади¹⁸. Бундан ташқари, тўлов тизимлари ва банк ахборот тизимлари рақамли активлардан кенг фойдаланишади. Бунда мижозлар PayPal тўлов тизимидан фойдаланишади. Ушбу тўлов тизимидан дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида 180 млн.дан ортиқ мижозлар фойдаланишади¹⁹. Шунинг учун тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари доирасини кенгайтириш ва уларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш стратегик вазифага айланган.

Технологияларнинг ривожланиши банк секторини ривожлантиришда катта ёрдам беради. Бугунги кунда банк тизимида қўлланилаётган баъзи янги технологиялар қуйидагилардан **иборат**²⁰:

¹⁷<https://xs.uz/uzkr/post/tizhorat-banklarining-masofavij-bank-khizmatlarini-rivozhlantirish-davr-talabi>

¹⁸ Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 pages.

¹⁹PayPal опередила по капитализации AmericanExpress. Финансы, 15.10.2017 г., www.rbc.ru/rbcfreeneews/59e36f899a7947ee0a581e59

²⁰<https://handsonbanking.org/resources/automated-teller-machine-atm/>; <https://www.lloydsbank.com/online-banking>; <https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/>; <https://trueconf.com/blog/wiki/video-teller-machine-vtm>; <https://www.techtarget.com/searchmobilecomputing>; https://en.wikipedia.org/wiki/SIM_Application_Toolkit; https://dbpedia.org/page/Near_sound_data_transfer; <https://tashkent.lcbit.ru/blog/rfid-tehnologiya-chto-eto-takoe/>;

Mobile Banking – бу мижозлар учун тақдим этилаётган банк соҳасида қўлланиладиган энг янги технология ҳисобланиб, мобил дастур тўғридан-тўғри мобил қурилмага юкланади ва мижоздан интернет алоқасини талаб қилади холос.

Video Teller Machine (VTM) - банклар орқали тақдим этиладиган янги ва инновацион хизмат. Мижоз барча банк операциялари учун VTM орқали мижозларга хизмат кўрсатиш вакилига масофадан уланади. VTM мижозларга барча филиаллар банк хизматларини тақлиф этади.

Secure Short Messaging Service (SSMS) - мижозларнинг мобил телефонларига матнли хабарларни юбориши ва қабул қилиши учун ишлатилади. Яъни, банк ҳисобварақда содир бўлган ҳар бир операция тўғрисида мижозларга хабар юборади. Транзаксия мобил банк хизматида тайинланган рақамга SSMS юбориш орқали амалга оширилади.

Near Sound Data Transfer (NSDT) - ҳар қандай мобил телефондан фойдаланадиган мобил банк хизматида ишлатиладиган тезкор, хавфсиз ва қулай контактсиз тўлов технологияси. NSDT мижознинг операцияни тасдиқлаш учун тўловларни амалга оширишни хоҳлаган ҳар сафар чиқариладиган бир марталик аудио паролидан фойдаланади. NSDT операциялари мижознинг уяли алоқаси ва диллер ёки операторларнинг тўловларни қабул қилиш мосламаси орқали амалга оширилади. Мижоз пулни рўйхатдан ўтган агент орқали киритади ва пул виртуал ҳамёнга тушади.

Telephone Banking or Interactive Voice Response (IVR). Телефон-банк бу мижоз томонидан банк томонидан тақдим этилган махсус рақамга қўнғироқ қилгандан сўнг тизим билан ўзаро алоқада бўлиш имкониятини берадиган ахборот технологияларидир.

Wireless Application Protocol (WAP). Бу мобил банк хизматида ишлатиладиган технология бўлиб, мижоз банк веб-сайтига мобил телефонидаги

<https://www.univergeblue.com/cloud-services/engage>; <https://www.ixbt.com/mobile/wap.html>;
https://en.wikipedia.org/wiki/Unstructured_Supplementary_Service_Data; <https://www.postron.com/resources/post/nfc>;
<https://vovworld.vn/ru-RU>.

браузер ёрдамида интернет орқали уланади. Мижоз ўзининг банк ҳисобварағи маълумотларига компьютер вазифасини бажарадиган мобил телефон ёрдамида кириш имкониятига эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт шароитида банкларда рақамли технологияларни жорий этиш, мижозларга қулай, сифатли хизмат кўрсатишнинг муҳим омили ҳисобланади. Кўрсатилаётган хизматларнинг оммабоплигини ошириш, янги иновацион ғояларни амалиётга жорий қилиш орқали масофавий банк хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш лозим. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганга ҳолда уларни мақбул томонларини ўзимизда жорий этиш тижорат банклари ўртасида рақобат муҳити ривожланиб, хизматлар сифати яхшиланади. Банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини янада кенгроқ тадбиқ қилиш эса, мижозларнинг ҳозирги замон талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш учун аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сонли фармони 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони. 07.02.2017 й. <https://lex.uz/>.
4. Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 pages.

5. PayPal опередила по капитализации AmericanExpress. Финансы, 15.10.2017 г., www.rbc.ru/rbcfreenews/59e36f899a7947ee0a581e59
6. <https://psm7.com/mobilnye-banki/luchshie-cifrovye-banki-v-evrope-rejting-20>
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/08/02/raqamli-bank>
8. <https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-ilk-rak-amli-bank-ruykhatchdan->
9. <https://daryo.uz/k/2022/08/15/tbc-bank-o%25ca%25bbzbekistonda->
10. [https://handsonbanking.org/resources/automated-teller-machine-atm/;](https://handsonbanking.org/resources/automated-teller-machine-atm/)
11. <https://www.lloydsbank.com/online-banking;>
12. [https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/;](https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/)
13. <https://trueconf.com/blog/wiki/video-teller-machine-vtm;>
14. <https://www.techtarget.com/searchmobilecomputing;>